

Шўъба 5

УДК : 712.3


## ТОМ УСТИ БОҒЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Каримов У.Н. – мустақил изланувчи (СамДАҚИ)

Телефон рақам: +99897 9231325;

***Аннотация:** В статье описаны сады на крышах, созданные в древнем Египте, Месопотамии и Ассирии. Показаны графические фрагменты и описание о садах Семирамиды.*

**Калит сўзлар:** зиккурат, эҳром, мунтазам, пейзаж, чий, симметрик, фавора, шаршара, шалола.



1-расм.

Том усти боғларининг шаклланиш тарихи қадимги Миср ва Месопотамия даврларига бориб тақалади. Месопотамия боғ-парки тарихи уч даврга бўлинади. Улар: шумероаккад, оссурия ва янги бобилликлар даври. Шумероаккадлар даври ўзига хос эҳромлар – зиккуратлар (поғонали том усти боғлари) таркибидаги боғлар билан ажралиб турган. Зиккурат- поғонали пирамида кўринишидаги минорага ўхшаш, йирик хом ғишт ва тошлардан қурилган кўп қаватли (одатда 7 қаватлик) бино бўлиб, энг юқори қаватда эҳром жойлашган. Месопотомиянинг энг қадимги боғлари Уре тоғидаги зиккуратнинг поғонасимон боғлари ҳисобланган ва уларда турли хил ўсимликлар ўстирилган. Эҳром поғоналари кенг бўлиб, унинг атрофидаги ландшафт эркин тарзда (пейзаж-лот.: манзара услубида) ривожланган. Мазкур том усти боғи ландшафтини дарё ва очик майдонлар ташкил қилган (1-расм.

*Қадимги Месопотомияда қаторли, гуруҳли ва пейзажли ландшафт композицияли шаклланган погонасимон том усти боғининг график чизмаси).*

*Оссирийлар:* даврида икки хил боғ бўлган. *Биринчиси*, пирамида кўринишида бўлиб, бино том қисмида дарахтлар(яполоқ баргли ва нина баргли), буталар, лианалар, гуллар (бир, икки ва кўп йиллик) ва бошқа ўсимликлар ўстирилган. *Иккинчиси*, катталиги билан фарқ қилиб, ов ва ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган. Боғ таркибидаги бино атрофида кўл ёки дарё бўлиб, табиий шаклланган истироҳат боғларига эга бўлган. Бу боғлар режаси қатъий мунтазамликка эга бўлмай, ўсимликлар ўрмондагидек анча эркин яъни, манзаравий кўринишда шаклланган бўлган.

Оссирия ва Бобилда давлат томонидан кўриқланадиган ривожланган суғориш тармоқлари мавжуд бўлган бўлиб, улар орқали ўсимликларни суғориб боғлар бунёд этиш имконини берган. Бироқ, тарихий манбалар бу ердаги боғлар Қадимги Миср боғларидан кейин вужудга келганлигини кўрсатади ва режавий ечими билан фарқ қилади. Бундай боғларни бир қисми симметрик (геометрик шаклларнинг ўзаро бир хиллиги, модулли такрорланиши) асосда режалаштирилган бўлиб, уларнинг асосий бинолари ва ҳовузи битта ўқда жойлаштирилган [2].

Дунёнинг етти мўжизасидан бири ҳисобланган «осма боғлар» нафақат Қадимги Бобилнинг, балки, бутун Шарқнинг ландшафт меъморчилиги ва дизайнидаги энг гўзал намуналардан бири бўлган. Бу боғлар Фрот дарёсининг соҳилида жойлашган бўлиб, Геродотнинг фикрича, Оссирия қироличаси Семирамида (эрамиздан аввал IX аср) номи билан боғланган. Тарихчи Страбон эса бу боғларни шоҳ Навуходонсор II (эрамиздан аввал 605-562 йиллар) ўзининг Мидиялик севикли хотини Никотрисса учун қурдирган деб ёзган. Боғлар дастлаб малика Семирамида (аслида Шаамурадат) даврида қурилган, кейинчалик, Навуходонсор томонидан ривожлантирилиб қайта ишланган.



*2-расм. Ороллардаги ва дарё қирғоқларидаги Семирамида номи билан боғлиқ «осма боғлар» график чизмалари.*

Тўрт қаватлик, баланд тепаликка секин-аста қисқариб борувчи поғонасимон «осма боғлар»нинг биринчи қавати ўлчамлари 45x40 метрни, иккинчи қавати эса 40x30 метрни ташкил қилган. Ҳар бир қаватнинг соф баландлиги 5 метрга яқин бўлиб, бир қаватдан иккинчисига оқ ва қизғиш рангли мрамрдан ишланган кенг зиналар орқали чиқилган. Нақшинкор устунларга таянган равоқлар устидан ғишт, унинг устидан мураккаб таркибли елим-қатрон, ичига эса ҳозирги цементга ўхшаш лой тўлдирилган чий (қамишсимон ўсимлик ва унинг пояси) тўшалиб, яна ғишт терилган ва ниҳоят сув ўтмаслиги учун яна қатрон ва кўрғошин қўйилган. Ҳар бир қаватнинг «замин»и шу тарзда ҳозирланганидан сўнг, устидан улкан дарахтлар ўсадиган даражада унумдор тупроқ қатлами ётқизилган. Боғ учун дунёнинг Мағрибу-Машриғидан энг нодир ва кўркем дарахт кўчатлари, буталар, лианалар, анвойи гуллар ва майсалар келтириб экилган. Боғлар Фрот дарёсидан чархпалак ёрдамида чиқарилган сув билан суғорилган. Ҳар бир қаватга қаватлараро фавворалар, шаршаралар ва шалолалар режалаштирилган (2-расм) [1].

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1. Уралов А.С., Рахимов К.Д.** Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. Ўқув қўлланма. –Самарқанд, 2012 й.
- 2. Адилова Л.А.** Ландшафт архитектураси. – Тошкент, 2002.